

Мўлгина ёмакхонани ёритиб турган чирокларнинг пилиги пастлатиб кўйилган — бу йил Лондонда нимкоронгидага ўтириб овкатланиш расм бўлган. Эрве Марсена жойини топиб ўтирганда кўрдики, уни жуда кекса бир хонимнинг — леди Хемптоннинг ёнига ўтказиптилар. Эрве кекса хоним билан бир столда ўтиришга эътирози йўқ эди. Ёши ўтинкираб колган хонимлар одатда очик кўнгил бўлишади. Ва кўпинча гаройиб воеаларни гапириб беришади. Кўзларида порлаб турган истехзо ёлкинларига караганда эса, леди Хемптон хазил-мутойибага мойил аёлга ўхшаб кўринади.

— Кайси тилда сўзлашмокни маъкул кўрасиз, жаноб Марсена? Французчами ё инглиз тилидами?

— Йўқ демасангиз, леди Хемптон, мен француз тилини афзал кўрардим.

— Лекин ёзганда инглиз мавзуларида ёзасиз-ку! "Жозеф Чемберленнинг хаёти" деган китобингизни ўкиганман. Уни ўкиб анча кўнглим ёзилди. Негаки, мен бу одамларнинг хаммасини танир эдим. Хозир нима устида ишляяпсиз?

Француз йигит чукур тин олди.

— Мен Байрон хакида китоб ёзмокни орзу киламан. Лекин унинг тўгрисида жуда кўп ёзилган... Рост, янги материаллар топилипти — Мэри Шеллининг мактублари, графиня Гвиччолининг когозлари. Аммо буларнинг бари эълон килиниб бўлди. Мен бирон-бир номаълум хужжатларни топсам дердим, аммо хеч нарса тополмаяпман.

Кампир жилмайди.

— Байроннинг батамом номаълум бир саргузаштини сизга айтиб берсам, нима дейсиз?.. Эрве Марсена тўсатдан чанглзорда кийикка рўпара келган овчирадай ёки биржада кайси акцияларнинг нархи кўтарилишидан хабар топган гумаштадай бирдан сергакланди.

— Байроннинг мутлако номаълум саргузашти дейсизми? Акл бовар килмайди-ку, леди Хемптон? Ахир, тог-тог тадқикотлар ёзилган бўлса...

— Уни "батамом номаълум" деб жиндай маҳобат килдим, шекилли. Чунки бу саргузаштга алокадор хонимнинг номи тадқикотчиларнинг тилига тушиб бўлган. Мен леди Спенсер-Свифтни назарда тутяпман...

Эрвенинг тарвузи кўлтигидан тушиб, лабларини бужмайтириди.

— Э, э, бунака демайсизми!.. Ха, ха, эшитганман. Аммо бу воеанинг таф-силотларини хеч ким аник билмайди.

— Азизим Марсена, ахир бунака воеаларнинг тафсилотларини, умуман, биронта одам аник билиши мумкинми?

— Албатта, леди Хемптон. Кўп холларда ихтиёrimизда мактублар, хужжатлар бўлади. Рост, баъзан мактубларда хам ёлгон гаплар учрайди, айрим гувохликларга хам ишониб бўлмайди. Лекин тадқикотчининг танкидий туйгуси бор...

Леди Хемптон сухбатдошига ўгирилиб, унга кадимий лорнети оркали каради.

— Агар мен сизга леди Спенсер-Свифтнинг кундалигини берсам, нима дейсиз. Унинг исми Пандора эди. Бу кундалигини Байрон билан мулокотда бўлиб юрган кезларида ёзган. Пандоранинг ундан олган мактубларини хам ихтиёргизга бераман.

Ёш француз йигит мамнуниятдан яйраб кетди.

— Нима дердим, леди Хемптон? Хиндуларга ўхшаб, отам хам сиз, онам хам сиз дердим. Сизнинг шарофатингиз билоб ёзилиб коларди... Сизнинг кўлингизда чиндан хам шу хужжатлар борми? Шунака савол берганим учун маъзур тутасиз... Сира аклим бовар

килмаяпти-да...

— Йўк, — деб жавоб берди у. — Бу хужжатлар менинг кўлимда эмас, лекин уларнинг каерда эканидан хабарим бор. Улар хозирги леди Спенсер-Свифтнинг, яъни менинг пансиондаги дугонам Викториянинг кўлида. Виктория бу хужжатларни хозирга кадар хеч кимга кўрсатгани йўк.

— Ундоқ бўлса, нега энди менга кўрсатсин?

— Чунки бу тўгрида ундан мен илтимос киламан... Сиз хали бизнинг мамлакатимизни яхши билмайсиз, жаноб Марсена. Бу ерда сиз хар кадамда сирлар-у кутилмаган воеаларга рўпара бўласиз. Шахар ташкарисидаги касрларимизнинг ертўлалари ва чорбогларида чинакам хазиналар ётибди. Аммо эгалари уларга заррача кизикмайдилар. Бирорта одам хонавайрон бўлиб, уйи кимошдида сотилган такдирдагина архивлар ёргу дунёга чикади. Агар тутган жойидан кесадиган тадбиркор америкалик Босвеллинг машхур когозларини топмаганида улар крокет шарлари солинган кутида умрбод колиб кетган бўларди.

— Ўйлайсизки, тутган жойидан кесадиган тадбиркор француз йигитнинг хам иши ўнгидан келади? Америкалик Босвеллинг когозларини бир неча минг долларга сотиб олганди. Холбуки, француз йигитда бунака пул йўк.

— Виктория Спенсер-Свифт долларга учадиганлардан эмас. У менинг тенгдошим, саксондан ошиб колган. Ўзининг даромадлари унга бемалол етиб ортади. Сиз унинг кўнглини тополсангиз бас — маъкул бўлсангиз сизга когозларини кўрсатади. Ундан ташкари, эрининг катта бувисини китобингизда чиройли килиб тасвирлайсиз деб умид килади...

— Лорд Спенсер-Свифт ўтиб кетганми?

— Лорд эмас, баронет... Сэр Александр Спенсер-Свифт уларнинг уругида шу унвонга сазовор бўлган сўнгги шахс эди. Виктория хали хам ўша — Байрон меҳмон бўлган уйда яшайди... Бу Глостер графлигидаги Елизавета замонларидан колган жуда бежирим каср... Бахтингизни синаб, бир ўша жойга бормайсизми?

— Бажону дил... агар мени таклиф килсалар...

— Буни мен бўйнимга оламан. Бугунок Викторияга мактуб ёзаман. У сизни, албатта, таклиф килади... Агар мактуб кескин охангларда ёзилган бўлса, бундан чўчиманг. Виктория карилигимиз муайян устунлик беради деб хисоблади — хаёлимиизга келган гапларни рўйи-рост, очикчасига айтмасак, карилигимиз каёкка боради? Ниманинг хам андишасини килмок керак? Зарурати борми?

Бир неча кундан кейин Эрве Марсена ушоккина машинасида Глостер графлигидаги хушманзара кишлокдан кетиб борарди. Ўтган ёз одатдагидек серёгин бўлди ва бу дарахтлар билан гулларга жуда кўл келди. Энг камсукум хонадонларнинг деразаларида хам чаппар уриб турган гулларни кўриш мумкин эди. Махаллий олтин ранг тошлардан курилган иморатлар Шекспир замонасида кандай бўлган бўлса, хозир хам шундайлигича турарди. Инглиз манзараларининг нафис гўзалликларини яхши кўрадиган Эрве Виндхерст паркини кўриб койил колди. Леди Спенсер-Свифтнинг кўргони шу ерда жойлашган эди. Кингир-кийшик йўлни калин ўт-ўлан босган эди. Майсазорлар хафсала билан тарашлаб кўйилган. Уларнинг теварагини бакувват эман дарахтлари ўраб олган. Говлаб кетган кирккулоклар ва киркбўгинлар орасида ховуз ялтираб кўринади. Нихоят, Эрве касрга етиб келди ва ёввойи узум билан копланган дарвоза олдида машинани тўхтатди. Сўнг юраги ўйнаган кўйи кўнгирок тугмасини босди. Ичкаридан хеч кандай жавоб бўлмади. Эрве беш дакикача кутди. Кейин охиста эшикни итариб кўрди. Эшик

очик экан. Даҳлиз нимкоронги. Ўриндикларда шарфлар ва пальтолар уюлиб ётипти. Даҳлизда хеч ким йўқ. Аммо кўшни хонадан ёд олинган матнни гўддираб айтаётгандай овоз эшитилди. Француз эшик олдига келиб, деворларига катта-катта портретлар осилган чўзинчок зални кўрди. Бир гурӯх сайёхлар фрак кийган улугсифат эшик огасининг теварагини курсаб олишган. Эшик огасининг фраки остидан тўк сиёхранг жилети ва йўл-йўл шими суриниб турипти.

— Мана бу, — дейди эшик огаси суратни кўрсатиб, — сэр Уильям Спенсер-Свифт (1775—1835). У Ватерлоо ёнидаги жангда иштирок этган ва Веллингтоннинг шахсан дўсти бўлган. Сувратни сэр Томас Лоуренс чизган. У кишининг асли леди Спенсер-Свифтнинг сурати хам сэр Томас Лоуренснинг мўйкаламига мансуб. Тингловчилар ўртасида пиҷир-пиҷир эшитилди.

— Ўша хонимнинг ўзими...

Эшик огаси юзига сирли тус бериб, сезилар-сезилмас бош иргаб каради. У сиполигини кўлдан бермасликка уринаётгани сезилиб турарди.

— Ха, — дея илова килди эшик огаси шивирлаётгандай паст овозда, — бу ўша хоним. Байроннинг маъшукаси бўлган. Байрон унга "Пандорага" деган машхур сонетини багишлаган.

Иккита турист сонетнинг биринчи мисрасини ёддан айтди. Эшик огаси сиполик билан бош иргади:

— Худди шундай, — деб тасдиклади у. — Бу эса сэр Роберт Спенсер-Свифт. Аввалги Спенсер-Свифтнинг ўғли (1808—1872). Портретни сэр Жон Миллес ишлаган.

Кейин тингловчилар томон бир оз эгилиб, сир айтаётгандай охангда деди:

— Байрон Виндхерстда меҳмон бўлиб кетгач, тўрт йил ўтгандан сўнг сэр Роберт дунёга келган.

Ёшгина жувон сўради:

— Байрон бу ерга нима учун келган эди?

— У сэр Уильямнинг дўсти эди.

— Э, шунаками? — деди жувон.

Хар икки портретни яхшилаб кўриб олмок учун Эрве Марсена сайёхлардан ажралиб колди. Леди Спенсер-Свифтнинг эри сэр Уильямнинг юзи япалокрок, ичавериб шишинкираган, дурустгина шамол еган эди. Унинг юзига кзрас сержахл ва мутакаббир одам бўлганини таҳмин килиш мумкин эди. Хотинининг нафис хуснида эса улугворлик билан бокиралик мужассам эди. Аммо тикилиброк караганда ледининг соф нигоҳидаги яширин хисчанликни хам, багритошлиқдан холи бўлмаган таманнони хам илгаб олиш мумкин эди. Сайёхлар томошани тутатиб, эшик томон йўл олдилар, йигит эса хамон хаёлчанлик билан суратларни томоша килишда давом этмокда эди.

Эшик огаси у томонга энгалиб, андиша билан деди:

— Кечирасиз, сэр, билетингиз борми? Сиз бошкалардан кечикиброк келдингиз... Хамма кириш хакини тўлаб бўлганди. Шунинг учун изн берсангиз..

— Мен сайёх эмасман. Леди Спенсер мени лутфан таклиф килиб, шу ерда дам олиб кетишга ун DAGАН. У мени кизиктирган хужжатларни кўрсатишга ваъда берган...

— Афв этасиз, сэр... Бундан чикадики, леди Хемптон тавсия этган ёш француз сиз экансиз-да? Бир дакика, сэр. Мен бу одамларни кузатиб кўяй, шу захотиёк хоним-афандига хабар киламан... Сизга ажратилган хона мунтазир, сэр. Юкларингиз машинадами?

— Менинг биттагина чомоданим бор.

Сайёхларнинг келиб туриши леди Спенсер-Свифтни солик тўлашдан озод киларди. Ўз касрининг эшикларини хорижий туристларга очган кунларда леди Спенсер-Свифтнинг ўзи иккинчи каватда жойлашган меҳмонхонада истикомат киларди. Ёш французни ўша ерга таклиф килишди. Кекса леди ўзини магрур тутар, лекин унда мутакаббирлик йўқ эди. Унинг тик кадди-коматида» гурур ёгилар, лекин муомаласидаги тўгрилик уни анча юмшатиб турарди.

— Миннатдорлигимни кандай изхор килишимни хам билмайман, — деб гап бошлади Эрве Марсена. — Етти ёт бегона одамни кабул киляпсиз...

— Номаъкул гапни кўйинг, — деди леди. — Нега бегона бўларкансиз? Сиз энг яхши дугонамнинг тавсияси билан келдингиз. Китобларингизни ўкиганман. Мен бу воеани одамларга одоб билан баён килиб бера оладиган одамни кўпдан бери кутаман. Сиз бу ишга хар жихатдан тўгри келасиз деб ўйлайман.

— Айтганингиз келсин, миледи. Лекин, сира хам омад менга кулиб бокканига ишона олмаяпман. Наҳотки, Байрон хаётини тадқик этган синчков инглиз олимларидан хеч кайсиси кўлингиздаги хужжатларни эълон килган бўлмаса?..

— Бунинг хайрон коладиган жойи йўқ, — деб изоҳ берди леди. — Менинг мархум эrim катта бувисининг кундаликларини биронта тирик жонга кўрсатишга рухсат бермас эди. Бу масалада у эскича карашларга каттиқ риоя киларди.

— Наҳотки, бу когозларда тилга олиб бўлмайдиган... гаплар бўлса?

— Билмадим, — деди у. — Мен уларни ўкиган эмасман. Хат жуда хам майда — уни ўкийман деб кўздан айрилиш хеч гап эмас. Бундан ташкари, йигирма яшар жувон бирорвга ошик бўлиб колса, кундалигида нималар ёзиши мумкинлигини хаммамиз хам яхши биламиз.

— Миледи, мен бу когозлар ичida Байрон билан эрингизнинг катта бувиси ўртасида... м-м... якинлик бўлганини исботловчи далилларга дуч келиб колмайманми? Шундай бўлиб колган такдирда хам хеч нарсани яширмасликка хакким бор деб хисоблайвераманми? Леди французга таажжуб билан каради. Унинг нигохида жиндай энсаси котгани сезилиб турарди.

— Албатта-да! Акс холда сизни таклиф килмокнинг нима хожати бор эди?

— Жуда олийхиммат экансиз, леди Спенсер-Смит... Холбуки, кўп оиласалар хамма нарса аён кўриниб турган бўлса-да, ота-боболарининг номус-орини ўттизинчи бўгингача химоя килишади.

— Бемаъни гап, - деб такрорлади кампир. — Сэр Уильям тўнгак эди, ёш хотинининг ахволини тушунмас эди. Бунинг устига унга хиёнат килиб, теварак-атрофдаги кизлар билан дон олишиб турарди. Леди Спенсер-Свифт лорд Байронни учратганда, у нафакат улуг шоир эди, балки фариштанинг киёфасига ва иблиснинг аклига эга бўлган эркак хам эди. Леди жуда зўр одамни танлаган эди. Бунинг учун ким хам унга дашном берарди?

Эрве бу мавзуни ортиқ мухокама килишга хожат йўклигини хис килди.

— Мени авф этасиз-у, леди Спенсер-Смит, сиз, ахир, бу кундаликларни ўкимаган бўлсангиз, Байроннинг Виндхерстда факат уй эгасининг дўсти сифатидагина меҳмон бўлиб кетганини каёқдан биласиз?

— Оиласавий ривоятимизда шундай дейилади, — деб катъий жавоб берди у. — Менинг эrim буни ўзининг отасидан эшитган, у хам отасидан эшитган. Бунга сиз ўзингиз ишонч хосил килишингиз мумкин, чунки, яна кайтариб айтаман, хужжатлар сизнинг ихтиёрингизда, хозир мен сизга уларни кўрсатаман. Сиз эса каерда ишламокчи

эканингизни айтсангиз.

Леди Спенсер-Свифт сервикор эшик огасини чакирди.

— Миллер, ертўладаги кизил хонани очиб беринг, у ерга шамлар олиб бо-ринг. Темир сандикнинг калитини менга беринг. Жаноб Марсенани у ерга ўзим кузатиб кўяман.

Марсена тушиб колган шароит хаёлот оламини кўзгамаслиги мумкин эмас эди.

Иморатнинг пастки каватида жойлашган, деворларига кизил мато копланган ертўлада бошка хоналардан фаркли ўларок электр чирок йўқ эди. Шамлар шуъласи теварак-атрофга титрок соялар ташлаб турипти. Деворлардан бирининг тагига каттагина пўлат сандик қўйилган. У ўрта асрлар сандигига ўхшаб безалган. Унинг рўпарасида кенггина диван турипти. Кекса леди французнинг кўлига таяниб, викор билан ертўлага тушди, калитларни кўлига олиб, кулфнинг учта тешигига солди-да, тезгина буради. Шундан кейин сандикнинг залварли эшикларини Миллер очди.

Марсенанинг кўзларига кумуш кошик ва санчкilar ялтираб кўринди. Унинг нигоҳидан чармдан ишланган аллакандай гилофлар лишиллаб ўтди, аммо бека кўлларини муковаси оппок саҳтиён теридан ишланган калин альбомга узатди.

— Мана, Пандоранинг кундалиги, — деди у. — Мана булар мактублар. Уларни Пандора ўз кўли билан манави пуштиранг тасмаларга ўраб bogлаб кўйган.

Леди Спенсер-Свифт ертўлага кўз югуртириб чиқди.

— Шошманг-чи... Сизни каерга ўтказсак экан? Манави катта эман столининг ёнида ўтирангиз сизга кулай бўлармикин? Лаббай? Майли, бўлмаса. Жуда яхши... Миллер, жаноб Марсенанинг ўнг ва сўл томонига иккита шамдон кўйиб беринг... Энди сандикни кулфланг. Биз кетайлик. Мехмонимиз бемалол ишласин.

— Ярим кечадан хам кечрок колиб ишласам майлими, миледи? Вактим унчалик кўп эмас, шунинг учун хамма нарсани ўкиб улгурсам дегандим.

— Мухтарам жаноб Марсена, — деди леди. — Шошилиш яхшиликка олиб келмайди, лекин, майли, билганингизни килинг. Тушлигингизни шу ерга олиб келишади. Бошка хеч ким сизга халакит бермайди. Эрталаб нонуштани сизнинг хонангизга олиб келишади. Сўнгра яна ишлайверишингиз мумкин. Биз сиз билан кундузи соат бирда тушликда кўришамиз... Шундай килсак сизга маъкул бўладими?

— Жуда хам яхши бўлади-да, леди Спенсер-Свифт. Миннатдорлигимни кай тарзда...

— Кўйинг, керак эмас. Хайрли тун.

Эрве ёлгиз колди. У портфелидан ўзи ёзар ручкасини олди, когоз чикариб столга ўтирди ва хаяжондан юраги хаприкиб, саҳтиён альбомни очди. Кампирнинг гапи тўғри эди — хат хакикатан хам жуда майда ва ажи-бужи эди. Афтидан, Пандора ёзувларимни ўкин бўлсин деб атайин шундай килган кўринади. Альбом эрининг кўлига тушиб колиши мумкин эди. Эҳтиёт чораларини кўриб кўйган яхши эди. Аммо Марсена хар канака ажи-бужи хатларни ўкишда хам устаси фаранг бўлиб кетганди. У Пандоранинг жимжималарини хам унчалик кийналмай ўкий бошлади. Биринчи сатрларданок у ўзини жилмайишдан тўхтата олмади. Баён услубида ёш жувоннинг кўли сезилиб туради.

Пандора кизикконлигини ёхуд хаяжонини ифодалаган сўзларни тез-тез таъкидлаб туради. Кундалик 1811 йилда — никоҳдан сўнг бир неча ой ўтгач бошланган эди.

"1811 йил 25 октябрь. Бугун жуда толикдим, бетобман, эгарда ўтиrolмаяпман. Уильям овга кетди. Нима билан машгул бўлишимни билмайман. Кундалик тута бошлайман. Бу альбомни менга падари бузрукворим совга килган. Уни юракдан, жуда-жуда яхши кўрардим. Уни бир умр йўкотганимга гоятда афсусланаман. Эрим хеч качон менинг ахволимни тушуна олмайди деб кўркаман. Унинг юрагида ёвузлик йўқ, лекин у аёл

кишига юмшок муомала, эркалатиш кераклигини билмайди. Билмадим, умуман, бирон вакт менинг тўгримда ўйлармикин? У ўзининг хотинидан кўра сиёsat тўгрисида, отлар ва фермерлар хакида кўпроқ гапиради. Тўйимиз ўтгандан бери у хали бирон марта хам "севги" сўзини тилга олмади, шекилли. Йўк, йўк, олмади. Якинда у Бриджитга деди: "Хотиним мени бирам жонидан яхши кўрадики..." Мен кўзимни лўк этказиб туравердим". Эрве шикоятларга ва истехзоларга тўла сахифаларни бирма-бир кўздан ўтказди.

Пандора хомиладор эди. У хеч кандай шодликсиз боланинг тугилишини кутарди. Эри унинг калбida жиндай бўлса-да илинж уйгота олгани йўк. Бола шу одам билаи Пандорани яна каттирок бoggамоги керак эди. Жувоннинг жўнгина кайдларида секин-аста сэр Уильямнинг ўта ёкимсиз киёфаси шаклана бошлади. Ундан аччик алам кўрган хотини эрининг худбинлиги, шухратпарамстилиги, дагаллиги намоён бўлган жиндай холларни хам гўё гувоҳдай когозга битиб кўярди. Бу орада кундалик сатрлари замиридан бошка бир одамнинг — кўшнилари лорд Петерсоннинг сиймоси борган сари якколрок кўрина борди. Сэр Уильям канчалик жирканч бўлса, Петерсон шунчалик марҳаматли кўринарди.

"1811 йил 26 декабрь. Кеча мавлуд байрамида лорд Петерсон менга жуда бежирим кучукча совга килди. Мен хар доимдагидек ёлгиз эдим, лекин лорд Петерсонни кабул килдим — ахир, у мендан анча улуг-ку! У мен билан адабиёт ва санъат тўгрисида гаплашди, кани энди мен унинг хамма ажойиб фикрларини когозга тушира олсан! Уни тингласанг, роҳат киласан. Унинг хотираси жуда хам зўр. У менга Вальтер Скотт ва лорд Байроннинг шеърларини ёддан ўкиб берди. Мен уларни эшитиб, хаддан зиёд лаззатландим. Билдимки, мен лорд Петерсондай одамнинг хотини бўлганимда жуда катта муваффакиятларга эришган бўлардим. Аммо у кари, бунинг устига мен умрбод бирорнинг хасмидаман. Эвоҳ! Шўринг курсин, Пандора!"

Бундан кейинги кайдлардан маълум бўладики, Байроннинг "Чайльд Гарольднинг саёҳатлари" достони Пандорага жуда катта таъсир кўрсатган. Пандора бу тўрида хатто эрига хам айтган ва эридан бундай жавоб эшитган:

— Байронми? Ха, уни яхши танийман. У хам менга ўхшаб жаҳонгашта бўлиб юрган кезларда учрашганмиз. Биз Италияда канчадан-канча майшатли тунларни бирга ўтказганимиз-у... Кайтганимиздан кейин у мени ўзининг юртига — Ньюстед аббатлигига таклиф килганди. Бу ерда унинг ихтиёрида бир гурух фаришта кизлар бор. Мен улар хакида бири-биридан ўтадиган гаройиб хикоялар айтиб беришим мумкин эди — фактат уларни менинг бокира рафикамга айтиш гунохи азим бўлади-да... Ха-ха-ха-ха!..

Шундан кейин ок альбомни ўкиётган одамнинг нигохи олдида Байронни ўзларининг хузурига — Виндхерстга таклиф килишга эрини мажбур этмокчи бўлган Пандора бири-биридан маккоррок баҳоналар тўрини тўкийди. Аввалига эри каршилик килади.

— Бу ерга келиб нима билан шугулланади у? — дея такрорларди у. — Бу ерда зерикиб колади. Оксоклиги туфайли узок сайрларда менга хамроҳлик килолмайди. Бунинг устига, у овчи эмас...

Хотини ўзиникини маъкуллади:

— Ўзим унинг кўнглини олишга харакат киламан. Сэр Уильямнинг газаби кўзиди:

— "Ўзим" дейсанми? Бу хотинбознинг кўнглини сен оласанми? Бир камим — хотинимни Байронга ўхшаган одам билан ёлгиз колишига йўл кўйиш колганди. Бу муттаҳамнинг уйимга келиб олиб бойликларимга кўз олайтиришини кўришга сира токатим йўк...

Аммо Лондонда Байроннинг шухрати канча юксакка ўрлагани сари бу кишлок заминдори шоир билан дўстлигини айтиб мактанишни авж олдирди. У бу тўрида кўни-кўшниларига

хам огиз кўпиртириб гапирди. Кизининг тугилиши муносабати билан леди Спенсер-Свифтнинг миясига жуда ажойиб бир фикр келди — чакалокни чўқинтиришда лорд Байронни вакил ота тарзида иштирок этишга таклиф килишса кандок бўларкин? Кичкина ледининг тарбияси-ю васийлиги шундай машхур шоирнинг кўлида бўлса, кандок яхши! Сэр Уильям таслим бўлди: "Яхши, мен унга ёзиб юбораман, лекин у хеч качон рози бўлмайди. Бусиз хам унинг хотинлар-у шеърлар билан баглик ташвишлари бошидан ошиб ётипти". Бирок Байрон рози бўлди. У турфа хилликни яхши кўради. Ўзидай бир шоир одамни чакалокка, яна бунинг устига киз болага вакил ота килмокчи бўлганлари унга галати туюлди ва розилик берди.

Эрве Марсена шу кадар ўкишга берилиб кетган эди, на оч колганини, на ташналини, на хориганини хис килди. Лекин сервикор Миллер ёнида тушлик кўтарган хизматкор билан унинг ёнига келди.

— Леди Спенсер-Свифт сизга ўз эҳтиромини изхор этади ва сизнинг бирор нарсага муҳтоҷлигингиз йўкми деб сўрайди, сэр?

— Хеч нарса керак эмас. Ледига айтингки, хужжатлар шу кадар кизикарли эканки, мен туни билан ишлашга аҳд килдим.

Эшик огасининг нигохида бу гапни унча маъкулламагани сезилди.

— Туни билан дейсизми, сэр? Ростданми? Ундан бўлса, сизга яна шам кел-тириб беришим керак экан.

Эрве олиб келинган овкатдан номигагина тамадди килгандай бўлди-да, яна альбомни кўлига олди. Байроннинг келиши зўр хаяжон билан тасвирланган эди — Пандоранинг ёзуви янада ажи-бужи бўлиб кетипти.

"Бугун эрталаб соат 11 да лорд Б. келди. У накадар сохибжамол ва ранги ўчган. Афтидан, у бахтсиз бўлса керак. У ўзининг оксоклигидан хижолат чекади. Шунинг учун хам у кадамлаб юрмайди, балки оксашини яшириш учун югуриб юради. Бекор килади. Оксоклиги ўзига бирам ярашганки... Кизик... Уильям мени огохлантирган эди. Гўё лорд Б. аёлларга жуда беандиша муомала килармиш. Холбуки, у менга икки огиз хам гап айтгани йўк. Рост, вакти-вакти билан сездирмай менга караб кўяяпти, хатто бир марта кўзгуда унинг менга караб турганини сезиб колдим. Аммо гаплашганда у фактат Уильямга ва лорд Петерсонга мурожаат килади, менга эса хеч гапирмайди. Сабаби нима экан?"

Туни билан мижжа кокмай Эрве Марсена Пандора кандай килиб аста-секин шоирнинг жозибасига асир бўлиб колганини кузатди. Афтидан, ёш ва тажрибасиз киз Байроннинг нима сабабдан бунака нобайронона иш тутганини тушунмаган кўринади. Байрон Виндхерстга ўзини одоб-ахлок доирасида тутишга каттик аҳд килиб келганди, чунки, биринчидан, у бошка бир жувонга муккасидан ошику бекарор бўлиб колганди, иккинчидан эса, мезбоннинг хо-тинини иўлдан уришни номуносиб иш деб хисобларди. Бунинг устига Пандора унга шу кадар анойи, гўр ва нозик кўринидики, уни изтироблар уммонига чўқтиришни истамади. У хис-хаяжони ловуллаб турган одам эди ва табиий хисчанлиги юзига сурбетликни никоб килиб олганди.

Шу сабаблар хаммаси бир бўлиб Байрон Пандора билан севги хакида гаплашмади. Лекин аста-аста бўлса-да, машмашанинг тўрлари тўкила бошлади. Сэр Уильям Байронга Ньюстед аббатлигини ва у ерда истикомат килувчи гах деса кўлга кўнадиган пари кизларни эслатди. Бир вактлар улардан бири бу кишлеки заминдорнинг дидига мос келиб колганди. Сэр Уильям уни яна бир кўрмок истагини билдириди.

— Менга каранг, Байрон. Мени яна бир бор Ньюстедга таклиф килсангиз бўлмайдими?

Албатта, хотинсиз...

Байрон унга таъна килди.

— Уялинг-е! Ахир, якиндагина уйланган одамсиз-а! Хотинингиз вокиф бўлиб колиб, бевафолик билан аламини олса нима киласиз?

Сэр Уильям хохолаб кулиб юборди:

— Менинг хотиним-а? Ха-ха-ха! Ахир, у баайни сўфи-ку! Бундан ташкари мени жонидан ортик кўради!

Хар кадамида хушёр тортиб юрган Пандора узокдан туриб бўлса-да бу гапларни эшитди ва кундалигига ёзиб кўйди. Яна бунинг кетидан ўзининг шархини хам илова килди: "Мени жонидан ортик кўради!" эмиш. Вой тентак-ей! Нахотки, кисматимда бутун умр шу тўнгакнинг ёнида яшаш бор бўлса! Нега энди унинг шу килигига ўхшаш бир иш килиб, ундан учимни олмай? Шу гапдан кейин шунака газабим кўзидики, агар шу окшом лорд Байрон паркда мени кучиб, лабларимдан бўса олса, хеч нарса деб каршилик кўрсатмаган бўлардим".

Вакт ярим кечадан ошиб кетган. Эрве шоша-пиша сахифа кетидан сахифаларни кораламокда. Ним коронги ертўлада ёниб тугаётган шамлар шуъласи борган сари хира тортиб боряпти. Эрвенинг назарида унинг теварагини жонли соялар ўраб олаётгандай туюлади. Кизил башарали каср хўжайнининг жарангдор "ха-ха-ха"си унинг кулогига чалингандай бўлди. У леди Пандоранинг нафис чөхрасидаги ифодани кузатди — бу чехрада нозик туйгулар тобора кучайиб бормокда эди. Коронги бурчакда эса Байрон тургандай эди. У юзида истехзоли жилмайиш билан бир-бирига сира мос тушмаган эру хотинни кузатиб турарди.

Француз ёниб битган шамларни алмаштириди. Кейин яна ўкишга тутинди. Энди бу бошка нарсани кузатарди — Пандора харчанд уриниб Байронни хаёлчанлик огушидан тортиб олмокчи бўляпти. У топкирлик билан жуда дадил харакат киляпти. Бу жувонда шунча гайрат бор деб ўйлаш хам кийин эди. Эрининг бефарклиги унинг жон-жонидан ўтиб кетган кўринади. Пандора унга касдма-касдига иш тутди. Нихоят, биллиард ўйнаш баҳонасида у шоир билан ёлгиз колди.

"Бугун окшом мен унга шундай дедим: "Лорд Байрон, аёл эркакни яхши кўрса, аммо эркак унга кайрилиб хам карамаса, шўрлик аёл нима килмоги керак?" У жавоб берди: "Бундок кilmok керак". Шундай деди-ю, мени хаддан ташкари каттиқ кучоклаб олди ва..." Шу ўринда бир сўз хафсала билан ўчириб ташланган эди, лекин Эрве кўпда кийналмасдан уни ўкиди: "ўпти".

Эрве Марсена енгил нафас олди. У омади юришганига ишониб-ишонмасди. "Тушимми, ўнгимми? — деб ўйлади у. — Бизнинг энг ардокли орзуларимиз факат тушдагина шунака тўқислик билан рўёбга чикади-ку!" У ўрнидан туриб, кўли билан пўлат сандикни, диванни, деворларни ушлаб кўрди — шу йўл билан бўлаётган воеаларнинг чинлигига ишонч хосил кilmokчи эди. Шубҳага ўрин йўк — теварагидаги хамма буюмлар чиндан хам мавжуд эди, кундалик хам хакикий эди. У яна боши билан ўкишга чўмди.

"Мен кўркиб кетиб, унга дедим: "Лорд Б., мен сизни севаман, лекин якинда фарзанд кўрганман. Бу фарзанд мени отаси билан мустахкам бoggab туради. Мен сизга факат дўст бўлмогим мумкин. Бирок сиз менга жуда кераксиз. Менга ёрдам беринг!" У хайрон коладиган даражада меҳрибон ва раҳмдил одам экан. Шу дакикадан бошлаб, мен билан ёлгиз колганида, юрагидаги дардларнинг хаммаси аригандай бўлади. Менга шундай туюладики, мен унинг калбига малхам бўляпман".

Француз йигит табассумини тўхтата олмайди. У Байронни жуда яхши ўрганган, шунинг

учун уни ёшгина, химоясизгина жувоннинг ёнида сабр-токат билан унга таскин бериб ўтирган киёфада тасаввур килолмайди. Унинг кулокларида шоирнинг овози жаранглагандай бўлади: "Ахир у мени соатлаб кўлларимдан ушлаб ўтириб, факат шеър ўкиб беришга кобил деб ўйласа, жуда адашади. Биз тугунни ечадиган паллага етиб бордик".

Кейин французнинг хаёлига бир фикр келди — леди Спенсер-Свифтнинг унга берган бир боғлам мактублари ичида Байроннинг хакикий кайфиятидан далолат берувчи хужжат бўлиши мумкин. У шоша-пиша мактублар боғламини ечди. Хакикатан хам, булар Байроннинг мактублари экан. Эрве дархол шоирнинг эҳтиросли дастхатини таниди.

Бирок боғлам ичида Пандоранинг кўли билан ёзилган яна кандайдир бошқа когозлар хам бор эди. Эрве тезгина уларга кўз югуртириб чикди. Булар леди Спенсер-Свифт мактубларининг кораламалари эди. Жувон уларни хам саклаб кўйган экан.

Ёзишмани ўкишга киришиб кетган Эрве мамнуният билан ишонч хосил килди, унинг тахминлари тўгри экан. Хавойи муносабатлар тез фурсатда унинг жонига тегибди. У Пандорадан кечаси - хамма каср ахли уйкуга кирган вактда учрашишни илтимос килади. Пандора кўнмайди. Аммо унинг астойдил экани сезилмайди. Эрвенинг хаёлидан ўтади: "Кораламасини хозиргина ўкиб чикканим мана шу мактуб Байронга юборилган бўлса, у галабанинг якин эканини хис килмаган бўлиши мумкин эмас", Чиндан хам жувон аноилигини намойиш килиб, факат битта карши далил келтирипти: "Бунинг иложи йўқ, чунки касрдаги одамларнинг эътиборини жалб килмаган холда касрда учрашишимиз мумкинлигини тасаввур хам килолмайман".

Эрве яна альбомни кўлига олди. Пандора Байрон билан мактублар алмасиб турмок учун гўё ўз кутубхонасидан унга китоблар бераётгандай бўлганини ёзипти. Шундай килиб, у хатто эрининг хузурида хам хушторига китоблар берар, уларнинг ичида эса севги мактублари бўлар экан. "Бор-йўги йигирма ёшда-я!" — деб ўйлади Эрве.

"Бугун Уильям овга кетди. Биз хизматкорларнинг кўз ўнгидаги бўлса хамки, уззукун лорд Б. билан бирга бўлдик. У багоят жозибадор эди. Кимдир унга касрдаги ертўла хакида гапириб берипти. У ертўлани кўрмок истагини билдириди. Мен у билан бирга тушмокка журъат килмадим, аммо мураббия мистрис Д.дан меҳмонга ертўлани кўрсатишни илтимос килдим. Кайтиб келиб, у галати охангда шундай деди: "Гўзал кунларнинг бирида бу ертўла шунака бир гўшага айланадики, мен бутун умрим давомида зўр мамнуният билан уни эслаб юраман!" Бу гапи билан у нима демокчи бўлди? Унинг гапларининг маъносини чакишдан кўркаман ва, айникса, юрагим зир-зир титраган холда ўйлайманки, унинг мамнунияти мен билан боғлик хотиралар туфайли бўлмасин, илойим!" Мактублар билан альбом француз йигитга саргузаштнинг ечимини тиклашга ёрдам берди. Бир куни кечаси Пандора Байрон билан ертўлада учрашишга рози бўлипти. Бу пайтда унинг эри ўзининг хобхонасида хурракни ванг кўйиб ухлаб ётар, хизматкорлар эса ўзларининг учинчи каватдаги уйларида эдилар. Байрон оловдай жўшкин, айтганини килдирмокка уринарди. Пандора эса шафкат сўраб илтижо киласади.

— Лорд Байрон, — деди у шоирга. — Мен сизнинг хукмнингиздаман. Нима истасангиз шуни килишингиз мумкин. Хамманинг кўзидан яширинмиз, хеч ким овозимизни эшитмайди. Ўзимнинг хам каршилик килишга холим колмади. Мен курашмокка уриниб кўрдим, аммо мухаббат иродамга карши ўларок мени шу ерга бошлаб келди. Менинг халос бўлишим факат сизгагина боғлик. Агар сиз чорасизлигимни сунистеъмол килсангиз, гапингизга кўнаман, лекин кейин уят ва аламдан бутунлай нобуд бўламан. Унинг кўзларида ёши шашкатор бўлди. Жувоннинг илтижоларидан таъсирланган Байрон

кўнгли эриб кетганини хис килди:

— Сиз мендан инсон боласининг кучи етмайдиган нарсани талаб киляпсиз, — деди у. — Лекин мен сизни шунчалар яхши кўраманки, сиздан воз кечишга хам тайёрман.

Улар бир-бирларининг пинжига кириб, диванда яна анча вакт ўтиридилар. Кейин Пандора ўрнидан туриб, ўзининг хобхонасига кетди. Эртаси куни Байрон ношир Мэрэй уни Лондонга чакираётганини айтди ва Виндхерстдан жўнаб кетди. Шу куни Пандора кундалигига ёзган гаплар ёш французни чин кўнгилдан завклантириди.

"О, каллаварам! О, ахмок! — деб ёзади у. — Хаммаси тамом бўлди, хаммаси кўлдан чиқди! Мен энди бир умр мухабbat нималигини билмай ўтиб кетаман. Нахотки у тушунмади? Мен, ахир, дабдурустдан бўйнига осилиб ололмайман-ку! Менга ўхшаган катъий ахлок-одоб коидалари асосида тарбия кўрган аёл, бунинг устига, мендай ёш жувон ўзини хаёли сатанглардек тута олмайди-ку! У сиз — хозиргача шунака сатангларни кўравериб пишиб кетган. Мен йигламогим керак эди. У эса мухабbat бобида саводи чиккан одам сифатида мени юпатиши, менга таскин бериши ва бутун вужудимни ўртаётган туйгуга ён беришга мени кўндиrmоги керак эди. Бирок у хамма умидларимни чиппакка чикариб жўнаб кетди! Умримда хеч качон унинг бу килмишини кечирмайман".

Бу воеадан кейин улар яна иккита мактуб алмашишади. Байроннинг мактуби жуда эҳтиёт бўлиб ёзилган. Шубха йўкки, У Пандоранинг эрини ўйлаган — кўлига тушиб колса, конвертни очиб, хатни ўкиши мумкин. Пандора мактубининг кораламаси жувоннинг нозик туйгуларига тўла, айни чокда, унинг пинхона газаби хам сезилади. Кундаликнинг бундан кейинги кайдларида Байроннинг номи яна бир неча марта тилга олинади. Бир гал унинг янги достони муносабати билан, яна бир гал унинг атрофидаги навбатдаги машмаша туфайли Байрон эсланган. Кинояли таъналар бор — уларда теран бир афсус-надомат сезилиб туради. Аммо 1815 йилдан кейин Байрон Пандоранинг хотирасидан бутунлай ўчиб кетган кўринади.

Ертўладаги кичкина дарчадан заиф тонг нурлари шуъла ташлади. Эрве гўё оғир бир дарддан халос бўлгандай теварак-атрофига назар ташлади ва XX асрга кайтди. Ўтган тун давомида у жуда гўзал ва гаройиб саргузаштни бошидан кечирди! Буни у зўр мамнуният билан когозга туширади. Хозир эса ишни тугатиб, уйкусиз ўтказган тундан сўнг анча хориганини хис килди. У кериди, эснади, шамларни пуфлаб ўчирди-да, ўзига ажратилган хонага йўл олди.

Кўнгирок жаранги тушлик вакти бўлганидан огох килди. Даҳлизда пурвикор Миллер кутиб турарди. У французни меҳмонхонага бошлади. Бу ерда леди Сненсер-Свифт ўтирган экан.

— Яхшимисиз, жаноб Марсена, — деди у эркакча йўгон овози билан. — Менга айтишди — туни билан ухламабсиз. Ухламаганга яраша, яхшигина ишлагандирсиз?

— Жуда яхши ишладим! Хаммасини ўкиб чиқдим. Йигирма сахифани тўлдириб ёзиб олдим. Бу — бекиёс воеа! Сизга миннатдорлигимни айтиб тугатолмайман.

Леди унинг гапини бўлди:

— Сизга айтиб эдим-ку! Сувратига караганда Пандора ушоккина бўлса хам, менга хамиша севги-мухабbat учун яратилган аёлдай туюларди.

— У чиндан хам ишк-мухабbat учун яратилган экан. Бирок бутун воеанинг латофати шундаки, Пандора хеч качон Байроннинг маъшукаси бўлган эмас.

Леди Спенсер-Свифт бўзариб кетди:

— Нима? — деб сўради у.

Кўчирмаларини ўзи билан олиб келган француз йигит бекага бутун вокеани хикоя килиб берди. Хикоя килар экан, хар иккала иштирокчининг феъл-атворини тахлил килишга хам уринди.

— Мана шу тарзда, — деб тугатди у, — лорд Байрон умрида биринчи ва сўнгги марта раҳмдиллик туйгусига ён берди. Эрингизнинг катта бувиси эса бутун умри давомида унинг бу саховатини кечирмай ўтди.

Леди Спенсер-Свифт унинг гапларини бўлмай тинглади, аммо шу ерга келганда чидаб туролмади.

— Бўлмаган гап! — дея хитоб килди у. — Ё матнни яхши ўкиёлмагансиз, ё бирон нарсани тушунмагансиз... Пандора лорд Байроннинг маъшукаси бўлмаган эмиш. Унинг лорд Байроннинг маъшукаси бўлганини бутун олам билади-ку! Бу графликда биронта оила йўкки, бу вокеани гапириб юришмаган бўлсин... Афсуслар бўлсин, жаноб Марсена, бирок сизнинг узил-кесил хулосангиз шунака бўладиган бўлса, мен бу хужжатларни эълон килишга рухсат беролмайман... Нима учун, биласизми? Сиз бутун Францияга ва бу ердаги ўлкаларга жар солиб, бу буюк мухаббат хеч качон бўлган эмас деб хабар килмокчимисиз? Шўрлик Пандора гўрида тик туриб кетади-ку, афандим!

— Нега бундок дейсиз? Хакикатни Пандора хаммадан яхши билади-ку! Ахир, кундалигига ўз кўли билан ёзиб кўйипти — унинг билан Байрон ўртасида айбситадиган хеч нарса бўлган эмас.

— Бу кундалик, — деб эълон килди леди Спенсер-Свифт, — пўлат сандикдаги жойига кайтиб киради-да, у ердан бошка хеч качон чикмайди. Уни каерда колдирдингиз?

— Ертўладаги стол устида, леди Спенсер-Свифт. Менда калит йўқ эди. Шунинг учун уни пўлат сандикка солиб кўёлмадим.

— Тушлик тугаши биланок иккимиз пастга тушамиз ва хамма нарсани жой-жойига кўйиб чикамиз. Оилавий архивни сизга кўрсатмаслигим керак эди. Шўрлик Александр бунга карши бўлган эди. Бу гал у хак бўлиб чикди... Сизнинг масалангизга келсак, афандим, сиздан мана шу... нима десак экан... кашфиётингиз тўгрисида лом-мим деб огиз очмаслигингизни талаб килишга мажбурман...

— Ха, албатта, леди Спенсер-Свифт. Сизнинг ижозатингизсиз бир сатр нарсани хам босиб чикаролмайман. Бундан ташкари, сира-сира сизни норози киладиган бирон иш килиш ниятимда йўқ. Лекин сизга айтмогам керакки, мен тушуна олмаяпман...

— Тушунишингизга хожат хам йўқ, — деб жавоб берди у. — Мен сиздан факат битта нарсани ўтинаман — хаммасини унутинг.

Француз хўрсинди:

— На илож! Унутаман. Кундаликни хам, альбомни хам...

— Мана бу гапингиз дуруст. Мен сизга ўхшаган одамдан бошка нарсани кутмаган хам эдим. Энди бошка бирон нарсани гаплашайлик. Айтинг-чи, жаноб Марсена, инглиз иклими сизга ёқадими?

Тушликдан кейин улар ертўлага тушишди. Миллер улар билан бирга тушди. Эшик огаси пўлат сандикнинг залварли эшикларини очди. Кампир ўз кўли билан чарм гилофлар ва кумуш кошиклар орасига ок альбомни хамда пушти тасма билан болнган бир даста мактубни жойлаб кўйди. Миллер яна сандикни кулфлади.

— Тамом, — деди кампир кувноклик билан. — Энди улар бу ерда мангуболади. Улар юкорига кўтарилиганда аллакачон автобусда биринчи гурух сайёхлар келиб, дахлизда кириш чипталарини ва каср тасвири туширилган суратни сотиб олиб улгуришган эди. Миллер суратлар олдида, хикоясини бошлаш учун ўзини чоғлай

бошлади.

— Бир дакикага кирайлик, — деди Спенсер-Свифт французга.

Улар сайёхлар гурухидан нарирокда тўхташиб, Миллернинг гапларига астойдил кулок сола бошлашди.

— Мана бу, — дея тушунтира бошлади Миллер, — сэр Уильям Спенсер-Свифт (1775—1835). У Ватерлоо ёнидаги жангда иштирок этган ва Веллингтоннинг шахсий дўсти бўлган. Сувратни сэр Томас Лоуренс чизган. У кишининг аёли леди Спенсер-Свифтнинг сурати хам сэр Томас Лоуренснинг мўйкаламига мансуб. Суратни яхширок кўриб олиш максадида тўпдан ажралиб олдинрок чиккан сайёх жувон шивирлади:

— Ўша хонимнинг ўзими?

— Ха, — деди Миллер овозини пасайтириб. — Бу ўша хоним. Лорд Байроннинг маъшукаси бўлган.

Кекса леди Спенсер-Свифт французга тантанавор нигох ташлади.

— Ана кўрдингизми? — деди у.

Рус тилидан Озод Шарафиддинов таржимаси

«Жаҳон адабиёти» журналининг 1998 йил, 12-сонидан олинди.